



«Аллоҳумма анта роббий, лаа илаҳа илла анта ʔалайка таваккалту ва анта роббул ʔаршил ʔазийм. Маша`аллоҳу каана ва маа лам йаша` лам якун. Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳи ʔалиййил ʔазийм. Аъламу анналлоҳа ʔала кулли шай`ин қодийр ва анналлоҳа қод аҳато бикулли шай`ин ʔилма. Аллоҳумма инний аъзузу бика мин шарри нафсий ва мин шарри кулли даббатин анта ахизун бинасийатиҳа, инна роббий ʔала сиротим мустақийм».

Маъноси: Аллоҳим, Сен парвардигоримсан. Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сенга таваккал қилдим. Сен улуғ арш Раббидирсан. Сен хоҳлаган нарса бўлади, хоҳламаганинг бўлмайди. Улуғ ва олий Аллоҳдан бошқада ўзгартириш ва қувват йўқ. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир эканини биламан. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани илми билан ихота қилгандир. Эй Раббим, нафсимнинг ёмонлигидан ва пешонасидан тутадиганинг ҳар бир ҳайвоннинг ёмонлигидан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман. Албатта, эй Раббим, Сенинг йўлинг тўғри йўлдир.

*Ибн Сунний ривоятлари.*